

Хакан Менгюч. "Хеч бир учрашув тасодиғ эмәк" турк тилинде Зарина Тожиева ва Эрғашбий Матекубов / "Жаҳон алабистинин бестеслилари" туркуми - Т. "Zukko kitobxon", 2022 - 224 бет.

Тақдир ишондан воз кечмайди. У ҳар он қайта ва қайти ёзилаверади. Шундай пайтлар бўлалики: "Бу иши қилмайман", — дейсан-у, лекин қилингага мажбур бўласан. "Энди бунга чидай олмайман", — дейсан-у, аммо, барибир, чидайсан. "Буни сева олмайман", — дейсан-у, бироқ яна севасан. "Воз кечиб кетолмайман", — дейсан-у, лекин бир лаҳзада воз кечиб кета оласан. "Ўлоним", — дейсан-у, аммо яшашда давом этасан.

Бир сүфий ва ҳаётда ўз мақсадини топа олмаган бир ёш қиз ўзлигини англаш, ўз шахсини янгидали қашф этиши учун биргаликда етти кутубик сафарга йўл олиниади. Угар ўзларини олдинбо нималар кутаётганини билишимайди. Тақдирдан дошта ишонадиганлари ва суюнадиганлари йўқ.

Шаҳардан шаҳарга етти кун тұлсыз, озик-овқатсиз ва жи муҳими, ҳеч қандай режаларсан спёхат қизишади ва сафар бошлагача жойига қайтарларидан энди деч нараси аввалдоек бўлмаслигини аңглайдилар.

Етти кун ичида ҳам одам ўзгариши мумкини?..

Тақдирни қайта ёзиши мумкини?..

Албапта, етти кун ичида ҳалмаси ўзгариши мумкин..

Худди қамишзордаги бир қамишиниг етти бор саңғалланганидан кейин ёқимти оҳанглар таратувчи "най"га айланганидек.

УУК: 821.512.161-3

КБК: 84(5)Турк

ISBN: 978-9943-8021-2-4

© Хакан МЕНГЮЧ.

© Destek Yayınlari Originally published in the Turkey by Destek Yapım Prodüksyon Dis Ticaret A.Ş., 2020

© "Zukko kitobxon" национальны

**Ушбу китоб ҳаётий
воқеалар асосида ёзилган.**

Ушбу китоб хикоялари учун маҳсус тайёрланган мусикаларни "Spotify" ва "Apple Music" плоловаларида тинглашнииз мумкин.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Ҳакан Менгюч Түркияда ёзувчи, мусықачы, нотик сиғатида танилган ижодкордир. У “Мен найман” ва “Қалбинг покиза бұлса, хикоянг бахтили яқунлар” китобларида илгари сурилған суфий фатсафаси зосспарига курилған тәхимотлари оркалы жүз миннәттаб китобхонтар өзтироғита сазовор бўлған. Шу бўйин бирга, ўз юртида ва хорижда ўтказған семинарлари оркалы миллионлаб одамларнинг қатбидан жой олган. Китоблари инглиз, немис, форс, болгар, албани ва рус тилларига таржима қилинган.

Ушбу ёш ёзувчи ҳозирги кунда Гирне Америка университети кошила очилған Суфийлар академиясининг президенти ва академиги. Шу билан бирга, “най” ишқибозидир. Найды чалған мусикалари ижтимоий тармоктарда миллионлаб оламлар томонидан тингланган.

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

Ҳакан Менгюч умид ила яшаш ва уни бошқа инсонлар билан баҳам куришта заъват эталиған қаёт фатсафаси ҳадида фикр билдирап экан: “Умиц ила яшаш шунчаки кутарив-килик эмас. Инсоният дут келасттан ҳалокатларни куриб-кўрмасликка блиш легани ҳам эмас. Умид ўйда ўтириб олиб ёвузликни лаънатлаш ҳам эмас, балки имкони борича яхшилик килиш учун кўлдан келганича ҳаракат қилиш демакдир”, — лейди. Адаби бу тапи бишан умиднинг Ер юзида давом этиши учун унга битта инсоннинг ишонини ҳам етарли эканини таъкидламоқда. “Балки, бу инсон сен буларсан. Кейин эса яна бир “сен” ва яна бир неча “сси” бирлашиб, “биз”га айланади”, — лейди.

Шунинг учун ҳам Ҳакан Менгюч “Зулматни лаънатлашдан кўра, бир шам ёк” хикматини ўзига шиор килиб олган. Устозлари таъкидлаганидек, ўзи ёккан шам билан бошқаларнинг ҳаётини ёритишга хисса кўшиш орзусида бўлған ушбу ёш муаллиф бу йўлда бошқалар ҳам ўз шамларини ёкишларида жасорат кўрсатишлари учун сабабни бўлишини истайди.

Мавлоно айтанидек: “Бир шам бошқа шамия ёкса, ўз нуридан ҳеч нарсани йўқотмайди. Аксинча, зулматни ёритишга ёрлам беради”

— 1 —

Ҳеч бир учрашув тасодиф эмас

Тақдир инсондан воз кечмайди. У ҳар он қайта ва қайта ёзилаверади. Шундай пайтлар бўладики: “Бу ишни қилмайман”, — дейсан-у, лекин қилишга мажбур бўласан. “Энди бунга чидай олмайман”, — дейсан-у, аммо, барибир, чидайсан. “Буни сева олмайман”, — дейсан-у, бироқ, барибир, севасан. “Воз кечиб кетолмайман”, — дейсан-у, лекин бирлаҳзада воз кечиб кета оласан. **“Ўлдим”, — дейсан-у, аммо яшаща давом этасан.**

Аслида эса, ҳар бир синовда ва ҳар бир сафарда ўзингга янада кўпроқ яқинлашасан. Учрашувлар қисматнинг каламига айланади. Шу боис ҳар бир учрашув синовларнинг хикоясини бир-бирига улаб, ортиб бораверади. Кутилмаган жойда ва кутилмаган пайтда кимлардир ҳаётингта кириб келса, яна кимлардир ҳаётингдан чиқиб кетади. “Буларнинг барчаси нимани англатар экан?”, — дея ўйлар экансан, ўзингни мукаммал ҳикоя ичида кўраверасан. Аслида эса ўз ҳикоянгта йўл олган бўласан. Борган ҳар бир манзилинг сени каршилайди, севган ҳар бир инсонинг сенинг бир парчангга айланади... Шу билан бирга, ҳаттоки бошқаларда ҳам ўзингнинг бир парчангни топасан.

Тасодиф ва синовларга тўла бўлган ушбу йўл сенинг фойдангта хизмат қилаётганини англайсан. Бу дунёда ҳатто япроқ бесабаб харакатга келмайди. Ҳаттоки шамолнинг ҳам сенга айтадиган сўзлари бор. Қалбинг уйғоқ бўлиб, ҳаётни ўрганишга тайёр бўлсанг, бас. Ушбу ҳаёт йўлингда асло: “Мен ниҳоясига етдим!” — дема. Чунки: “Мен ниҳоясига етдим!” — дейиш: “Мен ўлдим”, — дейишни англатади.

— 2 —

*Назар солган ҳар бир нарсангга бошқалар
ҳам назар солади, аммо сен унда
кўрганларингни ҳамма ҳам кўра олмайди.
Ҳамма ошиқ бўлиши мумкин, бироқ ҳеч ким
сен каби сева олмайди. Ягона фарқ сенсан,
сени бошқалардан ажратиб турувчи ҳолат
севган инсонинг эмас, балки севгингдир*
Шамс Табризий.

Бир неча йил аввал ҳаётимда содир бўлган бир воқеа менга ҳаётнинг мендан олган ва ҳадя эттандарига нисбатан янада зийрак кузатувчи бўлишим кераклигини ўргатди. Бу дунёда ўрганишдан умуман тўхтамаслигим кераклигини англадим. Ҳар учрашув, тасодифдек туйилган ҳар бир тажриба қисматимга қалам бўлишда давом этади ва мен бу муқаддас қалам ила ёза оладиган энг гўзал ҳикоямнинг қахрамони бўлиш учун бу йўлларни босиб ўтаман.

Хозирги кунда университетда академик ва шу академиянинг президенти сифатида фаолият юритаётганлигимга ҳам, китоблари бир йил ичида энг кўп сотилган адилар рўйхатидан жой олган ёзувчи бўлганлигимга ҳам, ижтимоий тармокларда миллионлаб мухлисларга эга бўлганлигимга ҳам бир неча йил аввал ҳаётимда содир бўлган воқеанинг хиссаси жуда катта. Ўша кунги воқеалар туфайли ўзлигимни англаш учун ҳаёт сафарини бошладим.

Соҳага эндиғина кириб келган ёш нотик эдим, аммо

дарсларимга билдирилган қизикиш мени киска вакт ичида шиддатли ҳёт тарзига етаклади. Шахардан шаҳарга сафар қиласар эдим. Университетлар, бирлашмалар, муниципалитетларда семинарлар ўтказардим.

Амалга ошираётган ишимни яхши кўрар эдим, чунки бошқаларни даволашга интилган инсон ўзини ҳам даволашнинг чорасини топади. Шунинг учун бағри кенг мураббий бўлишга интилдим. **Қанча кўп берсам, ҳётдан шунча кўп олдим.**

Инсон севган иши билан шуғулланаётганига қай тарзда ишонч ҳосил қилиши мумкин?

Агар инсон амалга ошираётган ишининг эвазига ҳеч қандай моддий мукофот талаб қилмаса, бу севимли иши билан шуғулланаётганидан далолатдир.

Ўзим эга бўлган билимларни бошқаларга улашишни жуда севар эдим. Мулокот қилган инсонларимдан кўп нарсани ўрганар, ўзим билганларимни ҳам бошқаларга сахийлик билан улашар эдим. Бу менга катта завқ багишларди.

Бир неча йил олдин Измирдаги меҳмонхонага — ҳар доим ҳаяжонли ва қувноқ кайфиятда семинарлар ўтказадиган меҳмонхонага — йўл олдим. Маъруза ўқишим керак бўлган залга кириб, очик чехрали, жилмайиб турган инсонларга караганимда кунимнинг самарали ўтишини ҳис қилдим.

Бундан ташқари, иштирокчилар зални бутунлай тўлдириб туради. Рўйхатдагиларнинг барчаси келганди.

Жуда мамнун бўлдим.

Ҳеч кимни куттирмай, маърузани бошламоқчи бўлиб турган эдим, иштирокчилар орасидан бир аёл ўрнидан туриб, маъруза ўқишим керак бўлган минбар томон дадил қа-

дамлар билан кела бошлади. Мен эса хайратдан котиб қолдим. “Нима қилар экан?” — дея кизикиш билан күтдім.

Рұхсат сўрамай, минбарнинг устига кўйган китобчани кўлига олди. Ҳатто юзимга қарамай, сахифаларни очди ва унинг орасига кичик бир қоғоз солиб, зални тарк этди.

На тушунтириди, на ўзининг кимлигини айтди. Семинар давомида эса залга умуман қайтмади.

Иштирокчилар ҳам вазиятдан эсанкираб қолганимни сезиб, кулиб кўйишиди. Аёлнинг орқасидан жим қараб қолдик. Ахир, бу очик дарс әмас, жойлар чегараланган эди. Зални тарк этган аёл ҳам пул тўлаган — ўз ўринидигидан жой олган — аммо китобчанинг орасига бир қоғоз кўйиб, семинар бошланмасидан олдин чиқиб кетди.

Нима деб ўйлашни билолмай қолдим. Тингловчиларни ортиқ куттирмаслик учун маъruzani бошладим, бирок хаёлимга китобчанинг орасидаги мактубда нима ёзилган ҳақидаги фикр ўрнашиб қолган эди. Шунинг учун имкон бўлиши билан очиб ўқидим:

“Амир Султон Ҳазратлари сени чақирмоқда”.

Ха.

Атиги бир сатр.

“Амир Султон Ҳазратлари сени чақирмоқда”.

Бу нима дегани?

Энди мен нима қилишим керак?

Балки, кичик бир ҳазилдир. Янаям ким билади...

Балки, бу Амир Султонга хайрихox бўлган, шунинг учун унинг ҳузурига боришимни хоҳлаган бир тингловчимнинг маъсум тилагидир.

Бурсалик бўлганим учун Амир Султон Ҳазратларини билишим табиий. Ҳурматга сазовор бир авлиё сифатида та-

нилган. Маккайи Мадинада күрган тушидан сўнг Бурсага пиёда келган. Умрининг охиригача шу ерда яшаган, халқка илм улашган.

Амир Султон Ҳазратлари мен учун хурматга сазовор валийдир, у ҳакида тадқиқотлар олиб борганман, китоблар ўқиганман. У ҳакда имкони борича кўпроқ маълумотта эга бўлишга ҳаракат килганман. Мақбарасини ҳам бир неча маротаба зиёрат қилганман. Ҳатто баъзан дўстлар даврасида Амир Султоннинг шубҳалардан холи қалб билан, пок эътиқод ва ишонч туйгуси билан ўзини Аллоҳга омонат топшириб, Мадинадан Бурсага қадар мавхумликларга тўла узун йўлни ёлғиз пиёда босиб ўтганининг ортида ётган ҳикматлар ҳакида узок сухбат курамиз.

Дастлаб: “Ушбу мактубнинг шахсан мен учун қандай аҳамияти бор экан?” — дея ўйлаб ўйимга ета олмадим, аммо кейин эса бу ҳакида ўйламасликка қарор килдим.

Амир Султон Ҳазратларини истаган пайтимда зиёрат килардим, бир неча маротаба борган эдим ҳам. У зотни яхши биламан. Шу сабабдан дафтаримнинг орасига солинган кичик мактубга катта аҳамият бермаслигим кераклиги ҳакида ўйладим. Қоғозни ҳамёнимга солгач, мавзуни батамом унудим.

Икки ҳафтадан сўнг

Орадан икки ҳафта ўтгач менга кўнғироқ бўлди. Бурсадаги маҳаллий телеканалдан экан. Рамазон ойи муносабати билан ўтказилаётган бир дастурга меҳмон бўлишимни сўрашди, мамнуният билан қабул қилдим. Ишларим кўплиги сабабли Бурсада яшаётган оиласини ҳам анча вақтдан буён кўра олмаётган эдим. Шу сабаб туфайли оиласини билан ҳам

вакт ўтказишга фурсат топилганидан мамнун бўлдим.

Бир кун олдин дастурнинг масъул координатори билан боғланиб, суратга олиш ишлари қаерда ўтказилишини сўрадим.

У: “Амир Султон мақбарасининг ҳовлисида ўтказамиз”, — дея жавоб берди.

Ҳайратдан қотиб қолдим. Бир неча кунлардан бери кўйлагимнинг чўнтағида олиб юрган мактубни эсладим. Ёдимдан кўтарилган экан. Ёлғон гапиришдан не фойда, Бурсага бориш аслида хаёлимга ҳам келмаган эди. Зотан семинарлардан семинарга шошилиб юрардим. Оиласми соғинсам ҳам, бормаётган эдим. Не ажабки, ҳаёт мени ўз кўллари билан Бурсага етаклади.

Ушбу барча тасодифларнинг маъноси нималиги, ҳаётимда қандай ўзгаришлар бўлиши, бошимга нелар келиши хакида оз бўлса-да, тасаввурга эга эмасдим. Содир бўлган ҳодисаларга ҳеч қандай аҳамият бермадим. Факат гина: “Накадар ажиб тасодиф”, — дея ўйладим. Вазият ўзаро шундай уйғун тушгандики, тасодифдан бошқа яна нима бўлиши мумкин эди?

Вазиятнинг бошқа бир қизик томони шундаки, иштирок этишим кутилаётган дастур Амир Султон мақбарасида суратга олиш ишларини ташкиллаштиришга илк бор карор килинган студия дастури эди. Тасодифни қарангки, бу ҳам менга қулай бўлиб, иштирок этадиган бўлдим.

Суратга олиш ишлари кўтаринки кайфиятда ўтди. Узун сухбат қурдик. Сўнг най чалиб беришимни сўрадилар. Куннинг охирига келиб ҳамма мамнун бўлди. Шу ҳафтанинг ўзидаёқ дастурнинг кичик кисмларини “YouTube” ижтимоий тармиғидаги сахифамга жойладим. Шу билан бирга:

“Балки, менга мактуб қолдирған аёл ҳам буни күриб, ўзи излаган жавобни топиб, хурсанд бўлар”, — дея умид килдим.

Суратга олиш ишлари якунланганидан сўнг мақбарада бир муддат қолдим. Ёлғиз қолиб, нималарни дир кутдим. Ичимда таърифлаб бўлмас хузур, эътиқод ва ишонч бор эди.

Амир Султон ҳакида кўп ўйладим. Нега ўз юртини тарқ этиб, бу ерларга келган ва сафарининг сўнггида бошидан нималарни кечирған? Юртини фақатгина Бурсада яшаш учун тарқ этмаслиги аник. Ким билади, қандай синовлардан ўтган, ушбу йўл ундан нима олган-у, нима берган...

Илк учрашув

Мақбарада бир соатдан кўпроқ вакт ёлғиз ўтирганимни пайқадим. Ифторлик вакти тугаганди... Кўчалар эса бўмбўш.

Атроф шу қадар жимжит эдики, ҳатто ичган сувимнинг ичимга оқаётгандаги товуши эшитиларди. Онам уйкуга кетмасидан уйга қайтишни истадим. Онамга қўнғироқ килиб, мени кутишларини айтмоқчи бўлиб турган эдим, бир аёлнинг овозини эшитиб, ичимга ғулғула кирди.

Изтироб ва ғам-аламга тўла бир овоз!

Эътибор қилмасликнинг иложи йўқ.

Хар икки сўзида: “Мен!” — дер эди.

“Мен”.

“Мен”.

“Мен”.

“Мени кимлигимни билсанми ўзи?”.

“Сен мени ҳали таний олмабсан”.

“Мен бу ишни шундай қолдираманми?”

“Сен кимсан-у, мен ким?”

“Менга бундай қилишга қандай ҳаддинг сиғди?”

Аёлнинг сўзларидан оташ чиқар эди гўё. Ичи шафқатсиз вулконга айлангани кўриниб турарди. Ҳовуридан ҳеч тушмас, тинчланай демасди. Бақиришда давом этар: “Мен! Мен!” — дея ичидаги оловга мой сепиб, оташни авжига чикарар эди.

Шу онда уни топиб: “Жим бўл! Илтимос, фақат жим бўл. “Мен! Мен!” деб исён қилишинг ичингдаги оловни кучайтиришдан бошқа ҳеч нарсага ярамайди”, — дейишни хоҳладим.

Афсуски, унинг қаерда турганини кўра олмадим. Дараҳтларнинг орқасидаги ўриндиклардан бирида ўтирган бўлса керак. Уйга йўл олмоқчи бўлиб турган эдим, аёлнинг қичкириқдан бўғилган овозини эшилдим. Ниманидир синган товуши келди: “Уяли телефони бўлса керак”, — дея тахмин қилдим. Ўзи эса тўхтамай йиғларди. Бироз аввалги кибридан, такаббурлигидан асар ҳам қолмаган эди.

Чидай олмай, овоз келган томонга йўналдим. Тахмин қилганимдек, дараҳтларнинг орқасидаги ўриндикда ўтирган экан.

Аёлни кўрдим-у, лекин унга яқинлашишдан тўхтадим.
Нима қиляпман мен ўзи?

Бориб, нима дейман?

Балки, жим бўлишга ҳали тайёр эмасдир. Балки, ғазабининг отashi кўпроқ ёнмоғи керакдир?

Инсон ёрдам олишни истамас экан, зарур бўлган чорани топа олмайди.

Бироқ уни бу ерда бу ҳолда топганим ёрдам кўлинни қабул этишга тайёрлигидан далолат эмасми?

Билмайман.

Вахолонки, кўп нарса биламай, деб ўйлардим. Шу киска вакт ичизда бошимдан ўтказган шубҳа-гумонлар мени кийнаб кўйганди.

Сўнг хаёлга берилб турмасликка карор кийдим. Семинарларда хам ортиқча хаёлга берилиш, ҳаракат иштиёқини сўнидириши хакида доим сўз юритар эдим. Инсон акли тузоклар билан ўраб олинган. Ўз-ўзига пана беради. Олдинга интилиш, ривожланиш, ўрганиш, машаккат чекишни истамайди. Ўрганиб колган жойида шундайлигича қолишини афзал кўради. Одатий ҳолатини саклаб қолишини истайди. Бу эса кўп вакт, имконият ва мўъжизалар зое кетишига олиб келади.

— Гугуртингиз борми? — дей сўрадим аёлдан.

У мени пайкагач, аввалига безовталанди, бошини эгиб, юзини яширди... Кафти билан кўз ёщларини артди.

— Бор, — деди, сумкасини титаркан. Сўнг яна юзимга карамай, гугурт чикариб, узатди.

Гугуртни олиб, ёнига ўтиридим. Кута бошладим.

Сигаретани ёкмаганимни кўргач ҳайратланиб юзимга каради ва:

— Сигаретингизни ёкмайсизми? — деб сўради.

Унинг юzlари кизариб кетган. Ора-сирада бурнини тортиб кўярди.

— Мен сигарета чекмайман, — дедим.

Афтидан, у нима дейишни билмай қолган эди. Нигоҳи кўлларимнинг орасида айлантираётган гугуртга каратди. Сўнг дикқат билан яна юзимга бокди. У хавотирланаётган эди. Афтидан, менинг ўзига зарар етказиш-етказмаслигимни таҳдил киларди.

Хавфли инсон эмаслигимга ишонч хосил килиш учун:

— Гутурт-чи? Чекмасангиз, нега уни сўрадингиз, ва олдингиз? — деди.

— Иисон ўзи эга бўлган нарсасидан қандай фойдаланишни узоқ вақт давомида билмайди, — дедим масофа ни саклашга эътибор каратиб. — Ёки акли етмайди ёки эга бўлган нарсаларини пайқамайди. Шу боис: “Эга бўлган ҳеч бир нарсам ҳеч бир ишга ярамайди-я”, — деб ўйлади.

— Тушунмадим.

— Масалан, инсоннинг кўлида олов бўлса ҳам зулматда колишда давом этади. Ёки кечиришга кодир кенг ва меҳрли кўнгли бўлса ҳам, жанжал ва низо ичидаги колиб ўзини азоблайди. Ёки чексиз севиш қобилияти бўлса ҳам бошқалардан севги кутиб, иккиланади. Бундан ташқари, танлаган инсони уни севиши учун худбинлик, қайсарлик килади. Сенинг қалбингда ёргулук бор, бирок ҳамон зулматдасан. Айтмоқчи бўлган гапларим шу эди. Шу билан бирга, айтгандарим фойдалан холи бўлмаслигига умид киламан. Хайрли кеч, — дея у билан хайрлашдим.

Бундан ортиқ ҳеч нарса кўлимдан келмасди. Ушбу учрашувимиздан унинг тақдирига ёзилган насиба шу эди, холос. Тинчлантириб, ғазабига карши тура оладиган ҳолатга келтиришдан бошқа яна нима кила олардим? Унинг бу холати эса мени эсимдан чиккан бир воеа қайта юзлаштириди.

Мен ҳам бир неча йилдан бўён шу қадар тинимсиз ишлётган эдимки, секинлашишни унугиб, ўзимга кулок тутиш, ойлам ва севган инсонларим билан вақт ўтказишни чотура сурар, кейин эса бундан афсусланар эдим. Уша пайтда ҳайлимда сафарга чикиш фикри ўринашиб қолганди. Амир Султоннинг эътиқод ва ишончга тўла сафари ҳайлимдан кет-

масди. Мавхұмлик сари әлтүвчи туманли йўл...
Бир неча қадам ташлаб, энди узоклашган әдим ҳамки,
яна аёлнинг овозини эшигдим.

— Бу нима килганинг! — деди жаҳл билан, ортимдан югурап экан. — Ўзингни ким деб ўйляяпсан?

Ўгирилиб, орқамга қарадим. Саросимага тушгани юзидан билиниб турарди. Афтидан, ёрдамга эҳтиёжи бор, аммо кибри дардидан устун.

— Кимсан сен, авлиёмисан? — деди овозини баландлатиб. — Келиб ҳаётдан сабоқ берасан. Ана энди уйингта бориб, қариндошларингга: “Биттасига ёрдам бердим”, — деб сўзлаб бер. Ким сендан ёрдам сўради? Ожизманми мен? Менинг ишларимга аралашибга қандай ҳаддинг сифди? Телефондаги сухбатимни уялмасдан тингладинг-а? Нияting нима? Иккюзламачиликми? Кўз ёш тўккан аёл қулай ўлжа, шундайми? Чорасиз инсоннинг далдага эҳтиёжи бўлса, дарҳол унинг тепасига келиб олиш керак, тўғрими?

— Табриклайман, — дедим кулимсираб. — Мени бир қарашда таниб олибсан. Қани эди, бир қарашда ўзингни ҳам таний олсанг. Жаҳлингга эрк бериб, бошқаларга овозингни кўтарасан, аммо бу билан ўзингга ўзинг зарба бераётганингдан хабаринг йўқ ҳатто. Кейин эса: “Нега қалбим бунчалик оғрияпти?” — деб ажабланасан. Менимча, бир мунофиқни деб бунчалик куч-куватингни сарфлашинг шарт эмас. У ҳатто бакир-чакирга ҳам арзимайди.

Яна бир неча қадам ташлаб, у ердан анча узоқлашдим. Бироқ унинг ўша ғазабли овози яна мени таъкиб қилди. Етмаганидек, бу сафар ортимдан югуриб келиб, қўлимдан тутиб олди. Жанжални давом эттирганидан шуни тушундими, фактат гугуртини қайтаришимни истарди.

— Узр сүрайман, қайтариш эсимдан чикиб қолибди.

— Менинг оловим ила ўз зулматингни ёритишингга изи бермайман.

Бу сафар мен газабдан титрай бошладим.

У эса гапида давом этиб:

— Менинг кучсизлигим орқали ўзингда куч орттиришга уриняпсан.

— Йўқ, — дедим беихтиёр. — Бундай ниятим бўлиши мумкин эмас.

— Хавотир олма, бу ёмон иш эмас, — дея, нихоят, тинчланди ва тушуна бошлади. — Инсонни инсон даволайди, инсон инсон билан синалади, буни биламан. Ҳакли бўлганинг учун янайм қизишиб кетдим.

— Нихоят нақадар кучли бир оловга эга эканлигингни англадинг. Зулматингда қолишимга энди хожат йўқ. Хайрли кеч.

— Хайрли кеч, — деди гугуртини олиб, шимининг чўнтаига солар экан ва:

— Азраман! — деди.

— Нима дедингиз?..

— Менинг исмим — Азра.

Қўлини узатишини ҳеч кутмаган эдим. Бир лахза тараддуллангач, қўлимни бердим.

— Ҳакан.

— Ўтган ой севган инсонимдан айрилдим. “Уни изламайман”, — дея ўзим сўз берган эдим, аммо изладим. Тилимга келганини айтдим. Уни йўқотганимни хазм кила олмадим, чори. Бошим котган. Билганларим хам ҳеч бир ишга ярамайди.

— Ўзингта берган ваъдангни устидан чика олмаганини

учун ғазабдасан. Уни излаганинг учун жаҳлдасан. Аслида, айтган ҳар бир сўзинг ваъдасига вафо қилмаган Азра учун эди. Шу боисдан масаланинг бошқа бирор томонга алоқаси йўқ.

— Аммо севги икки кишига боғлиқ. Яъни бунинг иккинчи томонга хам алоқаси бор.

— Йўқ. Севги бир кишига боғлиқ. Фақатгина ўз соҳибига тегишлидир. Ким учун ёки нима учун бўлмасин, севги ўз эгасига тегишлидир. Ҳеч ким унинг севгиси учун жавобгар эмас. Шу боис ҳеч ким бошқанинг севгиси учун бадалини тўлашга мажбур эмас. Фикримча, у билан курашишни бас қилганинг маъқул. Севги унда эмас, сенадир.

— Шундай бўлиши хам мумкинми? У ҳолда ўзаро муносабат тушунчаси бўлмас эди.

— Лекин ўзаро муносабатни кураш майдонига айлантираслик керак. “Ҳамма ўз куролини ишга солади ва севгиси кучли бўлган инсон ғалаба қозонади, заиф эса бадалини тўлайди” номли қоида мавжуд эмас. Ўзаро муносабат деганда негадир ҳамма кураши тушунади. Кимнинг стратегияси ёки қуроллари кучли бўлса, ўшағолиб бўлади. Фақатгина битта курашчи бўлади, қаршисида эса қадр-кийматни билмайдиган ионкўр. Фақат ўзини севадиган худбин инсонлиги кўриниб туради... Бирок курашда ҳеч ким ютмайди. Ғалаба қозонгандек кўринган инсон ҳам аслида ниманидир йўқотган бўлади.

— Тўғри гапираётганга ўхшайсан, аммо нима бўлган тақдирда ҳам бу гапларинг менга ёқмаяпти. Эшитганларим дардимни камайтиrmайди. Ахир севган инсонимни йўқотдим. Усиз нима қилишни эса ҳамон билмаяпман.

У бу ҳоли билан нақадар чорасиз ва маъсум кўринарди. Эркаланишга интилаётган митти қиз каби эди. Отаси уни бағрига маҳкам босиб, соchlарини ўпиб эркаласа, гўёки ўзини яхши ҳис киладиган қизалокдек.

— Хавотир олма! Уни йўқотмагансан!

Бирданига юзи ёришиб кетди.

— Шунақа бўлиши мумкинми, а? Ёки уни қайтаришнинг бирор йўлини биласанми?

— Йўқ. Бундай йўлни билмайман. У сендан кетмаган бўлса, қандай қилиб ортга қайтарасан?

Ҳеч нарсани англамагандай, юзимга қаради.

Ҳорун ар-Рашид ва Мажнун ҳикояси

— Буюк ҳукмдор бўлган Ҳорун ар-Рашид Лайли ва Мажнуннинг муҳаббати ҳакида хабар топганидан сўнг уларнинг иккаласини ўз саройига келтиргани ҳакида эшитганимисан? — дея бошладим ҳикояни.

Ҳорун ар-Рашид қараса, Лайли Мажнун тасвирилаганичалик гўзал эмас экан. Уни ҳатто гўзал деб бўлмасди. Сўнг Мажнунга юzlаниб:

— Шу қизга ошиқ бўлдингми? — деб сўрабди.

Мажнун чукур хўрсишиб:

— Эҳ! Сиз унга менинг кўзларим билан караб кўринг, ахир.

Яъни Лайлини гўзал қилган нарса севгилисининг унга нисбатан бўлган севгисидан бошқа нарса эмас. Уни Мажнуннинг муҳаббати гўзаллаштирган.

Ошиқ Вейсел айтганидек: “Гўзаллигинг сарик чакадир, менинг севгим бўлмаса. Ҳузур ҳаловатли жой топа

олмайсан, қалбим күшкі бўлмаса". Сенда ҳам худди шундай ҳолат. Нахотки кўрмаяпсан? Унга берган эътиборинг туфайли ҳозир ўзинг азоб чекяпсан. Вахолонки, унга шундай экан, бутун кадр-кимматни сен бергансан. Демак, шундай экан, уни йўқотмайсан. Зотан севиш кобилияти сенинг кўнглини да колади.

— Кетма! — деди кўзлари ёшга тўлиб. — Шу ерда бироз ўтирасак бўладими? — дея ўриндикка ишора килди.

— Майли! Аммо вактим кам. Мени кутишмоқда.

— Хўп, хўп! Атиги бир-икки дақика старли.

У кўрсатган ўриндикка бирга ўтирик. Ҳаёлида саволлар кўплигини хис килардим, аммо қайси биридан бошлашни билмасди. Сухбат қуришга эса ортиқ фурсатимиз бўлмаслигини тушуниб турганди. Тушкунликка тушди.

Уни тинчлантириш мақсадида чўнтағимдан Мавлоно ва Шамс Табризийнинг мактублари ва ибораларига тўла бўлган баъзи қайд қоғозларимни чикардим ва:

— Назар солган ҳар бир нарсангта бошқалар ҳам назар солади, аммо сен унда кўрганларингни ҳамма ҳам кўра олмайди. Ҳамма ошиқ бўлиши мумкин, бироқ ҳеч ким сен каби сева олмайди. Ягона фарқ сенсан, сени бошқалардан ажратиб турувчи ҳолат бу севган инсоннинг эмас, балки севгингдир”, — дея ўқиб бердим.

Кейин гапимда давом этиб:

— Азра, бу хакида яхшилаб ўйлаб кўр, илтимос. Каршингдаги инсонни: “Севгимнинг манбаси”, — деб ўйлар экансан, унга қул бўласан. Севгингнинг манбаси ўзингсан. У манбани сенга Аллоҳ берган. Рухинг озод бўлиб яратилган, нега энди бошқа кимсага қул бўлишинг керак?

— Мен ҳеч кимга қул бўлмайман, — деди яна кибрли

оҳангда. — Мени кимлигимни ҳали ҳам англамадинг.

— Менимча, кимлигингни ўзинг ҳам билмайсан. Қаршимда фактат бир қулни кўряпман.

Шу онда унинг кўллари мушт бўлганини кўрдим. Зарба беришга тайёрдек кўринарди. Ичидаги нозик жойига теганимни сездим. Афтидан, қалби олов бўлиб ёнарди. У ҳам, албатта, менинг қалбимга ўт қўйишни истарди. Бироқ, минг афсуски, муштдан бошқа қуроли йўқлигини ҳам билар эди.

Менга зарба бермаслик учун лабларини тишлади. Тирноқларини кафтига санчиди.

Кейин эса ҳўнграб йиғлай бошлади. Юзини кафтларининг орасига олиб яширди.

Далда бериш учун на кўлига тегиндим, на жим бўлишини сўрадим. Истаганича йиғлашига имкон бериб кутдим. **Чунки бу сафар ўзига ғазаб қилганидан эмас, ҳамма нарсани тушунганидан йиғлаётган эди.**

— Эътибор берма, — деди ўзига кела бошлагач. Ўрнидан туриб, сумкасини елкасига осди. Бошини кўтармасдан, кўлинини узатди. — Раҳмат. Нима бўлган такдирда ҳам бошқа учрашмаймиз. Сен мени танимайсан, мен ҳам сени танимайман. Бир-биrimизнинг исмимизни биламиз, холос. Шундайлигича қолсин. Бу тасодиф ўзгача учрашув бўлди.

У танимаган инсонининг олдида бунчалик заиф ва чорасиз кўринишдан шу қадар уялаётган эдики, мени ортиқ кўришни истамаслигини айтишга уринар, кетаётгиб, синган номусини кибрли оҳанг ёрдамида қутқариш учун курашар эди. Тушунганимни билдириб, уни хотиржам қилдим.

— Истаганингдек бўлсин! Факат ҳеч бир учрашув тасодиф эмас. Буни унугта, хўпми?

— 3 —

*Хар бир нарса ўз вақтини кутади. На чечак
барвақт очилади, на қуёш барвақт
күтарилади*

Мавлоно.

Тўққиз ойдан сўнг

Умуман олганда, ҳаётимниг энг ажойиб кунларини яшаётган эдим. Орзу килган йўлимда соғлом ва дадил қадамлар билан олдинга интилар, баъзан кутганимдан ортиқ гўзал ва муваффакиятли натижаларга эриштанимни кўрадим.

Ақлимни таниганимдан буён суфийлик чорасиздек кўринган вазиятларимда умид, зулматга тўла дамларимда нур ва ёлғиз пайтларимда йўлдош бўлиб келмоқда эди.

Энди эса айни йўлда бирлашишим мумкин бўлган, қалби айни тарбиядан ўтишини истаган ҳамроҳларим сафи кундан кунга ортиб, дунёдан узоқлашиш истагим авж олаётганди.

Тўққиз ойдирки, дарсларим сони анча ортган, семинарларим кўпайгани сари кўпайган, шаҳарлараро бехисоб сафарларим қаторига хориж сафарлари ҳам қўшилган, танишларим ва муҳлисларим сони ҳам анча кўпайган эди. Ўзимни бахтли ва мамнун ҳис этмаслигимга ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Ҳаётимда ҳамма нарса ғоят ажойиб эди. Ҳатто бир қанча муддатдан буён хаёлимни китоб ёзиш фикри тарк этмаётганди. Аввалига ушбу фикримни керакли тарзда

шакллантириш учун кеча-ю кундуз китоб ўкий бошладим. Тадқиқотларни ўрганаар, устозларим билан учрашар эдим. Баъзан ҳатто тамадди қилишга вактим бўлмасди.

Ўзим ҳам сезмас эдим, аммо жуда чарчаб қолган эканман.

Бу чарчок менга қанчалик зарап келтириши мумкинлигини билар эдим. Менда тўсатдан шошқалоклик одати пайдо бўлганди. Гўёки чарчагунимча ишламасам, муваффакиятга эриша олмас, энг катта орзум армон бўладигандек эди.

Ваҳдолонки, дарсни биринчи бўлиб “замон” тушунчасидан бошлар эдим. “Қанчалик шошилсанг, шуичалик кеч коласан”, — дердим. Шошқалоклик шайтонга хосдир, шу боис ишда барака бўлмайди”, — дер эдим. Шошқалоклик алдамчидир. Бир тузоқдир. Ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Яхши ишларни амалга ошириш учун ҳам танафус керак. Комил инсон бўлишнинг асосида ҳам ана шу омил ётади. Оҳисталик донолик демакдир. Сокинлик ила бажарилган ҳар бир иш унумдор ҳамда фойдали бўлади. Онгиз равишда шошқалоклик қилиш, бир ердан бошка ерга бориш учун шошилиш, ҳам у ишни, ҳам бу ишни қилишга уриниш тўгри йўлда адашишдан бошка нимага ҳам яраши мумкин?

Ҳамма ишни бир вақтнинг ўзида бажаришга уринган инсон ҳеч бирини қойиллата олмайди. Мохирлик меҳнатта боғлик. Бир ишни аъло даражада бажариш учун унга етарлича вақт ва меҳнат сарфлаш даркор. Шошилишнинг нима кераги бор?

Вақти-вақти билан шошмаслигим даркорлигини хис килар эдим. Ичимда қандайдир овоз нукул: “Ҳар нарсанинг

“ўз вакти бор”, — дер эди. Илк китобимни ёзишим учун бунчалик шошилишнинг ҳожати йўқлигини ўйлаб қолар эдим. Барча маълумотларни бироз муддат “пишириш” кераклигини ҳис қилардим.

Устоз ила учрашув

Бир куни кечки пайт идорадан чикиб, устозимнинг уйи томон пиёда йўл олдим. Қачонки саросимага тушсам, ўзимни нокулай ҳис қилсам, ниманидир нотўғри қиляпман деб ўйласам, унинг эшигини тақиллатар эдим, у ҳам кўпинча мени кутаётган бўларди. Мени ҳис қиларди, ички овозимни эшитарди.

Эшикни очаётиб:

— Ҳакан, сенмисан?

— Менман, устоз! Менман. Хабар беришга хожат сезмадим. Зотан сиз қачон келишимни биласиз.

— Биламан, ўғлим, биламан.

Мени ингичка ҳошияли думалоқ шаклдаги кўзойнакли кўзлари, эътибор билан тараалган ок соқоллари, гўзал табассуми ила кутиб олди. Вакт кеч бўлишига қарамай, ҳалигача китоб ўкиб ўтиргани кўриниб турарди.

— Аслида сени бироз олдинроқ келишингни кутаётгандим. “Бу боланинг қандай шошилинч иши бор эканки, ёнимга келишга кечикди”, — дея ўйлаётгандим.

“Ҳатто дардимни ҳам тушунибсиз, устоз”, — дегим келди, аммо айта олмадим. Чунки ўзимдан жаҳлим чиқкан эди. “Ҳар нарсанинг ўз вакти бор”, — дея таъкидлар эканман, бу тузокка ўзим тушсам, уят бўлмайдими?

Биргаликда уч девори ҳам ёғочли китоб жавони билан жихозланган иш хонасига кирдик. Ҳар ерни газда қайнаёт-

ган жўка дамламасининг ифори тутиб кетган эди. Китоблар жавонда гўё нафас олаёттандек кўринарди. Устознинг иш столи бироз бетартиб, аммо унга кўл тегизишдан мамнундек эди. Ерга тўшалган кенг гиламнинг устидан юрганим сари хотирам янгиланарди. Қаерда бўлмасин, худди шундай кеъг ва қўлда тўқилган гиламни кўрсам, устознинг уйи ёдимга тушади. Худди жўка дамламасининг ифори каби...

Мен учун жўка дамламаси учрашиш рамзий маъносини билдиради.

Эҳтиёжим бўлган инсон билан учрашмок демакдир.

Хасталанганимда бошим узра турган онамдир, саросимага тушганимда устозим, маҳаллада болалигим, ишқда ёрим, йўлда йўлдошимдир.

Жўка дамламасининг ифорида ажиб бир ўзаро алоқадорлик, яқинлик, самимият, ҳузур ва ишонч ҳиссини топаман.

Биргаликда бир финжондан жўка дамлама ичдик. Бироз муддат жимгина хаёл суриб ўтиридик. Ҳатто жимжитлик гўзал эди.

— Чарчадингми?

— Шунака, шекилли, устоз. Ишларим жуда кўп. Хаёлимда китоб ёзиш фикри бор, аммо қандай қилиб энг тўғри, энг фойдали шаклда ёзишни билмаяпман, — дедим бироз уялиб.

— Китобни ҳозир ёзишинг шартми?

— Шундай деб ўйлайман, устоз. Инсонлар мендан китоб кутяпти. Танишларим ҳам тез-тез китоб сўраб туришади. Бундан ташқари, иқтисодий ахволи ёки бошқа шаҳарда истиқомат қилиши сабабли семинарларга ташриф буюра олмаган бир қанча инсонлар бор. Уларга ҳам фойдам теги-

шини истайман. Мен бу китобни ёзишим шарт, аммо зътиборсиз ва фойдасиз бўлиб колишини ҳам истамайман.

— Эх, ўглим, — дей хўрсинди устозим. — Танаффус хакида сўз юритган сенмасми, ахир. Кўй, бу тоя аввал бироз пишиб етилсан. Шошилма. У китоб энг муносиб пайтда ва энг хайрли тарзла ёзилади.

— Факат бу менинг илк китобим бўлади, китоб ёзишга оид тажрибам йўқ. Шу боис кўпроқ иш олиб боришим даркор.

— Шошма. Сенга аввал сўзлаб берган хикоямни эсла.

* * *

Бир шогирд устозидан:

— Устоз, мен сиздек бўлишим учун неча йил меҳнат килишим керак?

Устози ўйлаб кўргач:

— Ўн йил, — деб жавоб беради.

Аммо шогирд ишини тезда йўлга кўйишни истарди, шунинг учун:

— Устоз, мен янада кўпроқ меҳнат қиласам, ишни тезроқ йўлга кўя оламанми? Кўп меҳнат қиласам, сиздек бўлишим учун неча йил керак бўлади?

Устоз яна ўйланиб қолиб, сўнг хотиржам охангда:

— Ўн беш йил, — дейди.

Шогирд хайрон бўлади ва:

— Кеча-ю кундуз меҳнат қиласам ҳам, бир неча йилда сиз каби бўла олмайманми?

Устози бошини чайқаб:

— У ҳолда мендек бўлишинг учун камида йигирма беш йил керак бўлади.

* * *

— Гап шундай, ўғлим. Шошқалоклик оёғингдан чала-ди. Шошилма. Хотиржам бўл, ўзингни ривожлантири, кейин ёзавер.

— Бу хикояни аввал кўп маротаба эшигнаман. Аммо билишнинг ўзи етарли эмас экан. Такрор ва такрор эшишиб, ёдга олиш лозим. Тўғри айтасиз. Ўзимни ўзим шафқатсиз-ларча кийнаёттан эканман.

— Ҳар бир инсоннинг дардига даво бўлишта ошика-ёттанинг ҳам кўриниб турибди.

— Ҳа, устоз. Бирор кимсага рад жавобини беришни истамайман. Кўлимдан келганча фойдам тегишини истай-ман.

— Ҳакан, ҳеч кимнинг қисматига аралаша олмай-сан. Зеро кўли бўш қайтмаслиги керак бўлган инсон бўш кўл билан қайтмайди, шунингдек, эшикдан киришга тайёр бўлмаган инсон кира олмайди. Конуният одилдир. Сен на ўргатувчисан, на ўрганмагани учун жавобгарсан. Сенинг масъулиятинг-ўз ишингни аъло даражада амал-га оширишдир.

Устозим ҳак эди.

Бир лахза нима дейишни билмай қолдим.

Беихтиёр жўка дамламаси солинган финжонга кўл узатдим. Бир култум ичиб, қайтариб жойига қўймокчи эдим, лекин кўлим титраб, устозимнинг иш столига бироз тўкиб юбордим. “Столни нима билан артсам экан?” — дея, дастрў-молчамни олмоқчи бўлиб кўлимни кўйлагимнинг чўнтағига солдим.

Кўлимга кайд вараги илинди.

Нима ёзилганини билиш мақсадида очиб ўқидим:

“Амир Султон Ҳазратлари сени кутмоқда”.

Ним табассум ила бош иргаб кўйдим.

— Айт! Асл армонинг нима эканини тушунтири, ўғлим. Сен ишончингни каерда йўкотдинг? — деди устозим.

Устозим шу онда елкамга кўлини кўйгудек бўлса, йиғлаб юборишим мумкин эди.

Гап чарчокда эмас, албатта. Ичимда бошқа бир армон хисси бор эди. Ойлардирки, англаб бўлмас бир ишончсизлик тарк этмасди мени. Ҳатто асоссиз бир умид... Балки, бу ҳақида ўйламаслик учун ўзимни ҳар ерга отгандирман. “Ҳаёлимга келмасин”, — дея турли мавзулар билан машғул бўлиб, ўзимни чағитар эдим.

Буларнинг барчасини энди тушундим. Ичимдаги титроқларни энди англашман.

— Ҳато қилдим, устоз! Атиги бир қайд, холос. Ҳеч қандай аҳамияти ҳам йўқдир, балки. Кераксиз жойда ўзўзимни ишоратлар билан қийнадим, ҳар нарсага эътибор қаратавердим. Чунки ҳеч нарса, ҳеч бир учрашув, ҳеч бир ҳодиса тасодиф эмас. Шамол эсиши ҳам тасодиф эмас, у эсганда япроқ харакатга келиши ҳам тасодиф эмас. Биласиз, бу илмнинг менга берган кўлланмаси ёрдамида ҳаётга доим дикқат ва вазминлик билан назар солиб яшашга харат қилдим, устоз.

Бошимизга келгани ҳам, келмагани ҳам коинотнинг овозидир, сўзидир. Бошимдан нималар ўтгани-ю, нималар ўтмаганига назар солар эканман, ҳаёт менга қандай ишора бераётганини ҳис қила оламан, англай

оламан. Бу мактубни аввалига эътиборсиз қолдирдим. Сўнгра режамда бўлмаса хам, Бурсага чакирилгач: “Эҳ, Ҳакан! Сен хаётнинг яхши шогирди бўлишни ният килгансан, ахир, буни ўтказиб юборишинг тўғри бўладими?” — дедим ўзимга ўзим. Шу тариқа Бурсага йўл олдим. Ишим битганидан сўнг Амир Султон макбарасида ёлғиз қолдим. У ерда узок вакт ўтказдим. Кўзларимни юмдим. Дуо килдим. Сўнг ёш бир аёл билан учрашиб қолдим. Унга ёрдам беришни истадим. Дарди борга ўхшарди, тўғрироги, ўзидан кўнгли тўлмай, ғазабланаетгани кўриниб турар эди. Аввалига роса баҳслашдик, сўнг танишиб олдик. Бир неча ой аввал содир бўлган эди... Кейин эса...

— Кейин нима бўлгани маълум, ўғлим. Сенга ушбу тасодифлар маъносиздек кўриняпти... Ўша мактуб нега келди, келмаса нима бўлар эди? Амир Султон Ҳазратлари сенга ҳеч нарса бермади, модомики, бермас экан, мактубнинг моҳияти нимада? Тушингта хам кирмади, сени бир ердан бошка ерга юбормади, қиз эса ўша ерда қолди, ахамияти йўқ эди. Гаплашганингиздан сўнг нима ўзгарди-ю, гаплашмасангиз нима бўлар эди? Ҳеч нарса... Ҳолбуки сен суфийликни ўрганувчисан, шундай эмасми? Сенинг ҳаётингда ҳеч нарса бу қадар ахамиятсиз ва фойдасиз бўла олмайди.

— Астағфируллоҳ, устоз, бу билан нима демокчисиз?

— Шундай, ўғлим, шундай... “Ушбу тасодифлар ҳеч бир ишга ярамади”, — дея жаҳлинг чикяпти. Ҳатто адолатга ишонмаган пайтларинг бўлди, шундайми? Бу хаёл ақлингта ҳатто бир лахзага келиб кеттани учун хам ўзингни кечира олмаяпсан. Шу боис у ердан бу ерга шошасан. Чунки тўхтасинг билан ўзингни айблашни бошлайсан, хаёлингдан ўтган фикрларни кечира олмайсан...

Устозимнинг гапларидан сўнг бўғзимга нимадир ка-
далгандек бўлди, ютина олмай колдим. Бир файласуфнинг:
“Машғулотдан яхшироқ даво йўқдир”, — деган сўзларини
эсладим. Мен ҳам хаёлларим билан юзлашмаслик учун ўзим
сезмаган ҳолда машғулотга берилган эканман.

— Тўғри айтасиз, устоз. Энди нима бўлади?

— Шошқалок бўлма, ўғлим, — деди ғамхўр оҳангда.

— Ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Ҳар бир нарса аввалига
тин олади. Вақти келганда содир бўлади. На гул барвакт
очилади, на қуёш барвакт кўтарилади. Мактуб бекорга
келмагани аниқ, Амир Султоннинг чакириги аҳамият-
сиз бўлиб қолмайди. Табиийки, у ердаги учрашув ҳам
тасодиф эмас, албатта. Аммо қайси тасодифнинг қарши-
сида қандай синов бизни кутади — била олмаймиз.

Буни билиш имкониятини берадиган заковатга етиш
учун биз факат дуо қилишимиз, зътиборли кўрсатишими, се-
згир бўлишимиз, ҳаётнинг яхши ўкувчиси бўлиш учун
харакат қилишимиз мумкин.

Кайси тасодифнинг қандай синовига қачон дуч кели-
шимизни ҳам билмаймиз. Дуч келсак ҳам пайқамаслигимиз
мумкин.

Балки, Амир Султоннинг исмини ҳаётингда бошқа ҳеч
қачон эшитмассан, балки, ўша мактубни сенга берган инсон
билан ҳеч қачон учрашмассан, Бурсада танишган аёл билан
ҳам йўлларингиз ортиқ туташмаслиги мумкин.

Бўлиб ўтган воқеаларда бирор-бир маъно кўрмайт-
ганлигинг содир бўлган бу воқеаларнинг аҳамиятга эга
эмаслигини билдиrmайди, ўғлим. Шошилма. Факат ва-
зиятни диккат билан кузатгин. Ва кузатгандаринг
аинглаб олишга ҳаракат кил.

— Сафарга чиқиши пайтим келди, шекилли, устоз,
— дедим маъюс табассум ила.

— Шундай деб ўйлайман, — деди ва менга жўка дам-
ламасидан бир финжон узатди-да, давом этди:

— Модомики, мавзу йўл ҳакида экан, у ҳолда йўл
коидалари ҳакида бироз сухбатлашамиз, ўғлим, — деди.

Шу билан бирга суфийларнинг сафарга оид бешта му-
хим коидаси ҳакида сўзлаб берди менга.